15:00 "Гарри Потер" б/ф (4
қисм)
16:30 "Йил сарҳисоби"

16:40 "Рақслар оламига саёхат"
кўрсатуви
16:50 "Янги йил навалари"
Дастури
17:00 "Симбад" т/с (4 қисм)
18:00 "Фаришталар-2" м/ф
19:30 "Барош" б/ф премьеря
21:00 "Хула" ахборот-
таҳлилий дастури
21:20 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
22:00 "Жосеу Жонни Инг-
лиш" б/ф
00:00 "Янги йил навалари"
Дастури
00:30 Тунги кинозал: "Один
дома 4" б/ф
02:30 "Янги йил навалари"
Дастури
03:00 "Индиана джонс-3" б/ф
04:30 "Барош" б/ф

Жума

06:00 "Янги йил навалари"
Дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Хула" информатсион
дастури
08:50 "Бизнес-репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастур
09:00 "Малагаскар" м/ф
10:30 "Йил сарҳисоби"
10:40 "Истеъодлар саҳнаси"
кўрсатуви
10:50 "Янги йил навалари"
Дастури
11:00 "Смурфчалар" б/ф
12:30 "Бунёдкор" ЕТК:
"Боалар шаҳарчаси" байрам
дастури
13:00 "Индиана джонс-4" б/ф
14:50 "Янги йил навалари"
Дастури
15:00 "Гарри Потер" б/ф (5
қисм)
16:30 "Йил сарҳисоби"
16:40 "Рақслар оламига саёхат"
кўрсатуви
16:50 "Янги йил навалари"
Дастури
17:00 "Симбад" т/с (5 қисм)
18:00 "Фаришталар-3" м/ф
19:30 "Бахт уйи" б/ф премьеря
21:00 "Хула" ахборот-
таҳлилий дастури
21:20 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
22:00 "Жосеу Жонни Ингши-
2" б/ф
00:00 "Янги йил навалари"
Дастури
00:30 Тунги кинозал: "Тринг:
Похититель Рождества" б/ф
02:30 "Янги йил навалари"
Дастури
03:00 "Индиана джонс-4" б/ф
04:30 "Бахт уйи" б/ф

Шанба

06:00 "Янги йил навалари"
дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Янги йил навалари"
дастури
09:00 "Малагаскар-2" м/ф
10:30 "Йил сарҳисоби"
10:35 Табрик

10:40 "Истеъодлар саҳнаси"
кўрсатуви
10:50 "Янги йил навалари"
дастури
11:00 "Марсутилдами
индон" б/ф
12:30 "Гаройиб орзулар"
(1 қисм)
13:00 "Астерикс ва
Обеликс" б/ф
14:50 "Янги йил навалари"
дастури
15:00 "Гарри Потер-6" б/ф
16:30 "Йил сарҳисоби"
16:35 Табрик
16:40 "Истеъодлар саҳнаси"
кўрсатуви
16:50 "Янги йил навалари"
дастури
17:00 "Симбад" т/с
18:00 "Яшил олма" кўрсатуви
18:30 "Конкон" кўрсатуви
(байрам сони)
19:30 "Севги фариштаси" б/ф
премьеря
21:00 "Comedy.UZ" теле-шоу
(байрам сони)
23:30 "Янги йил навалари"
дастури
00:00 "Астерикс ва
Обеликс" б/ф
02:00 "Дийдор ширин"
музикай-дам олиш дастури
(Еттин йил янги йил сони)
04:30 "Севги фариштаси" б/ф

Якшанба

06:00 "Янги йил навалари"
дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Янги йил навалари"
дастури
09:00 "Малагаскар-3" м/ф
10:30 "Йил сарҳисоби"
10:35 Табрик
10:40 "Истеъодлар саҳнаси"
кўрсатуви
10:50 "Янги йил навалари"
дастури
11:00 "Малика ва овчилар" б/ф
12:30 "Гаройиб орзулар" (2
қисм)
13:00 "Астерикс ва Обеликс-2"
б/ф
14:50 "Янги йил навалари"
дастури
15:00 "Гарри Потер-7" б/ф
16:30 "Антракт" кўрсатуви
(Байрам сони)
17:00 "Симбад" т/с
18:00 "Улфатлар" кўнгилочар
кўрсатуви (байрам сони)
19:30 "Жигарбандим" б/ф
премьеря
21:00 "Дийдор ширин"
музикай-дам олиш дастури
(Байрам сони)
00:00 "Янги йил навалари"
дастури
00:30 "Астерикс ва Обеликс-2"
б/ф
02:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
(байрам сони)
04:30 "Мен юлдузман" б/ф

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ
ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Халқимизни
яқинлашиб келаётган
2013 йил билан
чин дилдан
табриклайди.

**Ишларингизга ривож,
хонадонларингизга
кут-барака тилаймиз!**

**“АЛОҚАЛОУНА” ДУК
ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни,
жумладан, соҳамиз ходимларини

Обод турмуш йили

билан самимий муборакбод этади.



Янги йил барчамизга бахт, омад, мустаҳкам
соғлиқ ва олам-олам қувонч келтирсин.
Юртимиз тинч ва ҳаётимиз фаровон бўлсин!

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон аҳлини
яқинлашиб келаётган*

**Янги
2013
йил билан
кутлайди!**

Кўнгироқчаларнинг мафтункор
жаранги ила кириб келаётган Янги йил
барчангизга қувонч келтирсин!



**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Юртдошларимизни ва
алоқачиларни*

Обод турмуш йили

билан табриклайди.

Янги йилда янги ютуқлар тилаб қоламиз!

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Департамент Радиоалока, радиозиттириш ва телевидение илмий-тадқиқот бўлими (РРТИТБ), Электромагнит мослашуви таҳлили хизмати (ЭММТХ) ва Электромагнит нурланишлар ва сангигиена муаммолари илмий-тадқиқот лабораторияси (ЭМН СМИТЛ)ни ўз ичига олади.

РРТИТБ 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, радиоалока, радиозиттириш ва телевидение соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда ҳамда норматив хужжатларни ишлаб чиқариш.

Юқори малакали илмий ва техник мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касб маҳорати даражасини ошириш, шу жумладан, уларни чет элдаги ўқув марказлари ва институтларига юбориш йўли орқали тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

кил этувчиси сифатида қаралади.

Лабораториянинг асосий вазифалари:

- атроф-мухит электромагнит мухити (ишлаб чиқариш мухити, тураржойлари ва х.к.)нинг ўлчаш ва баҳолаш ишларининг ўтказилиши;

- меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш мухитининг ўлчашларини ўтказиш ҳамда физик омилларини баҳолаш ва назорат ўлчашларини ўтказиш.

ИТЛ қуйидаги кенг спектрдаги хизматларни кўрсатади:

- ўлчашларни бажариш методикалари, тавсиялар, йўриқномалар ва бошқа норматив хужжатларни ишлаб чиқиш;

- электромагнит мослашув соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишларини ўтказиш;



ИТЛ имкониятлари:

- замонавий технологик база (барча ЎВ қиёсланган, шаходатланган ва ЎЗР ЎВ Давлат реестрига киритилган);

- юқори малакали ходимлар;
- норматив ва техник базанинг мунтазам янгиланиши.

Агар департамент ходимлари таркибига назар соладиган бўлсак, бугунги кунга келиб унинг таркиби департамент яратилган даврга қараганда кенгроқдир. Бунини, биринчи навбатда, дастлаб департамент норматив хужжатларни ишлаб чиқиш билан шугулланган бўлса, ҳозирда эса бу ерда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги, алоқа ва

Ривожланиш истиқболлари

Электромагнит мослашуви таҳлили хизмати 2000 йилдан бери радиочастота спектри (РЧС)дан фойдаланиш, радио-ўқиниларнинг тарқалиши ва радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаш соҳасида миллий илмий базани шакллантириш мақсадида фаолият кўрсатиб келади.

Хизматнинг асосий вазифалари:

- РЧСдан фойдаланиш соҳасидаги халқаро тажрибани таҳлил қилиш;

- ХЭИнинг радиоалока бўйича Тадқиқот комиссиялари ва Бутунжапон конференцияларининг ишида иштирок этиш;

- РЧСдан фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш ва маълумот ҳамда таҳлил характеридаги ахборотни тайёрлаш;

- РЧСдан фойдаланиш соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда иштирок этиш.

Электромагнит мослашув хизматининг мутахассислари Халқаро электроалока иттифоқи ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ишида иштирок этишади. Шунингдек, департамент таркибига электромагнит мослашув соҳасидаги илмий тажриба тадқиқотларини ўтказиш мақсадида жорий йилда ташкил этилган Электромагнит нурланишлар ва сангигиена муаммолари илмий-тадқиқот лабораторияси қиради. Лаборатория фаолиятида электромагнит мухитга ҳозирги замон шароитида меҳнат шароитларининг узлуксиз таш-

Ўтган давр мобайнида департамент томонидан 2та Концепция, 75дан ортик давлат стандартлари, 12та тармоқ стандарти, 8та раҳбарий хужжат ишлаб чиқилди, 15та илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди, 44та норматив хужжатга ўзгартиришлар киритилди. Соҳага оид 5та русча-ўзбекча изоҳли луғат ишлаб чиқилди.

- синонлар дастурлари ва методикаларини ишлаб чиқиш;
- синаш (ўлчаш) методларини такомиллаштириш.

- Шунингдек, лаборатория сангигиена талаблари бўйича ўлчашларни ўтказиш хизматларини кўрсатади:

- физик омиллар (электромагнит майдонлар, шовқин, тебраниш, ахборотни акс эттириш қурилмалари экранининг визуал параметрлари ва б.) бўйича;
- кимёвий омиллар (хавонинг таркибини ўрганиш) бўйича.

Ўтказилган ўлчашлар натижалари бўйича маслаҳатлар берилди, низоли вазиятларни ҳал этишда ёрдам кўрсатилади, шу жумладан, санитар-эпидемиологик ҳулосани олишда ва номақбул омилларни бартараф этиш бўйича тавсиялар тайёрланади.

Хизматларни кўрсатиш учун

ахборотлаштириш соҳасидаги олий ўқув юртли ва корхоналар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқарилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фаолияти давомида департамент жамоаси алоқа соҳаси норматив-ҳуқуқий базасининг шаклланиши ва ривожланишига, яъни тармоқнинг ривожланиши учун асос ҳисобланган радиоалока, радиозиттириш ва телевидение соҳасининг шаклланиши ва ривожланишига ўз муносиб ҳиссасини қўшди.

Ўтган давр мобайнида департамент томонидан 2та Концепция, 75дан ортик давлат стандартлари, 12та тармоқ стандарти, 8та раҳбарий хужжат ишлаб чиқилди, 15та илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди, 44та норматив хужжатга ўзгартиришлар киритилди. Соҳага оид 5та русча-ўзбекча изоҳли луғат ишлаб чиқилди.

Бевосита департамент сай-ҳаракатлари билан мамлакатда рақамли телевидениега ўтишининг норматив-ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди.

ЭМММ, мобил алоқа операторлари, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг буюртмалари бўйича турли тадқиқотлар ўтказилди.

Департамент ходимлари томонидан 40дан ортик таҳлилий ва илмий-техник мақолалар эълон қилинди.

Абдуносир НИГМАНОВ,
"UNICON.UZ" ДУК директори ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоининг 49-бандига асосан:

"SMR-HAMKOR" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003516 рақамли;

"NOZA ZODA SAVDO" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоқини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003828 рақамли;

"ILONA LYUKS" қурилиш ишлаб чиқариш корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001814 рақамли;

"TECHNOPROSISTEM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004174 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 7 декабрдан тугатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАРЧА ФУҚАРОЛАР БИР ХИЛ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛИБ, ЖИНСИ, ИРКИ, МИЛЛАТИ, ТИЛИ, ДИНИ, ИЖТИМОЙ КЕЛИБ ЧИКИШИ, ЭЪТИҚОДИ, ШАХСИ ВА ИЖТИМОЙ МАВҚЕИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГДИРЛАР.

ИМТИЁЗЛАР ФАҚАТ ҚОНУН БИЛАН БЕЛГИЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ПРИНЦИПЛАРИГА МОС БЎЛИШИ ШАРТ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 18-модда.

Олий қадрият

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида бобларда кенг қўламда акс эттирилган. Жумладан, умумий қоидалар V бобда, фуқаролик VI бобда, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар VII бобда, сиёсий ҳуқуқлар VIII бобда, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар IX бобда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари X бобда ҳамда фуқароларнинг бурчлари XI бобда белгилаб қўйилган.

Бош қонунимизнинг 13-моддасига асосан, Ўзбекистонда қонунчилик демократик, умуминсоний принципларга асосланиб, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадрият ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Биз бугун эркин фуқаролик, ҳуқуқий-демократик жамиятни бунёд этиш йўлидан дадил боришимиз. Дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга астойдил интиломдамиз. Бундай давлатда ҳеч бир бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни миллий Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки, ҳар бир шахс қундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатловчи олий юридик хужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Асосий қонунимизда акс этган ҳар бир тамойилнинг давлатимиз ривожидан тўғри низоҳатда бекиёс. Бунини юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги улкан муваффақиятлар, одамларнинг ўзининг турмуш шароитининг яратиб берилаётгани, миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг қайта тиклангани, жонажон Ўзбекистонимизнинг тобора чирой очиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Фахру ифтихоримиз, гуруримиз, ҳуқуқ ва эркинликимиз қафолати бўлган Конституциямизга, қонунларимизга ҳурмат билан қараш ва уларга амал қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Шахло ҚўЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани
1-давлат нотариал идораси нотариуси

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Халқимизни эшик қоқиб турган
2013 йил билан чин дилдан табриклайди.



Мамлакатимиз тараққиёти
ва фаровонлиги йўлидаги
ишларимизда янгидан-янги
ютуқларга эришаверайлик!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юрдошларимизни, шу жумладан,
алоқа соҳаси ходимлари ҳамда
ўз мижозларини



Янги йил билан

қутлайди.

Янги йилда барча
режаларингиз
ушалишига
тилакдошмиз!



**“ЎзАлоқаКонсалтинг” МЧЖ
жамоаси**

Юртимиз аҳолисига,
жумладан, барча
ҳамкасбларига
Янги йил тилакларини
изҳор этади.



Истагимиз,
қалбларингизни
гўзал туйғулар ҳеч қачон
тарк этмасин!

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз аҳлини
яқинлашиб келаётган

2013 йил - Обод турмуш йили билан

муборакбод этади.

Азиз ватандошлар!
Янги йил бахту саодат,
фаровонлик, ҳамжихатлик,
осойишталик, она Ватанимиз
учун юксалишлар
йили бўлишини тилаб қоламиз!

NISHONDORLARIMIZ

Эзгулик
хабарчиси

Зиёлилар уни илм-маърифатга доир нашрларни, ёшлар бугунги давр руҳига, ўзларининг қалбига мос кундалик ва ҳафталик нашрларни етказгани учун кутсалар, пенсионерлар, кекса отахону онахонлар дуога қўл очиб, пенсияларини кечиктирмай ўз қўлларига топширгани учун ундан чексиз миннатдор. Одамларнинг ишончи ва қувончидан ҳаётига, умрига янги мазмун олиб меҳнат қилаётган қаҳрамонимиз Қобул РАҲМАТОВ, мана ўттиз йилдирки, эл хизматида.

Шундан 27 йилини почта алоқаси соҳасига бағишлаган бу фидойи инсон алоқа оламидаги фаолиятини 1986 йилда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали Бешрабод почта алоқаси тармоғининг "Арабсарой" алоқа бўлимида хабарчи сифатида бошлаган эди. Ўз малакасини ошириб, ташаббускор ходим сифатида ишда соҳанинг илғор усулларини қўллаб, аҳоли ва шунингдек, мижозларга почта алоқаси хизматларини юқори даражада ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

Интилувчан хабарчи ўз ҳалол меҳнати ва катта тажрибаси билан "Арабсарой" алоқа бўлимининг бошлиғи вазифасида ҳам қатор йиллар фаолият кўрсатди. Элнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлди.

Бугунги кунда алоқа бўлими хабарчиси бўлиб ишлаётган Қобул Раҳматов хизмат қилаётган ҳудудда иккита маҳалла, иккита мактаб, бир бечка, бир коллеж ва қатор ташкилотлар мавжуд бўлиб, 5000 нафардан зиёд аҳоли, 1500 хонадон, 460 нафардан ортқ пенсионер истикомат қилади. Улар билан ишлаш, улар билан ҳамфикр бўлиш Қ.Раҳматовга завқ ва кўтаринкилик бағишлайди. Шунинг учун ҳам бу ўзaro ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик туфайли даврий нашрларга обунани ташкил этишда ҳам, почта товарлари ва матбуот нашрларининг чакана савдосида ҳам, аҳолидан электр энергияси, газ, ичимлик суви, телефон хизматлари учун тўловларда ҳам бошқаларга ибрат бўла оладиган натижалар қўлга киритилган.

Шу боисдан ҳам ўтган йилда қўшимча хизматларга белгиланган тушумлар режаси ортиги билан — 142 фоизга бажарилган, жорий йилда ҳам бу кўрсаткич ўтган йилдагидан кам эмас.

— Қобул Раҳматов нафақат малакали ва тажрибали ходим, балки почта хизматининг барча йўналишларини яхши ўзлаштирган, ёшларга ўрнак бўлиб, ўз тажрибасини уларга кунт билан ўргатиб келаётган камтарин ва фидойи инсон, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали кадрлар билан ишлаш ва назорат бўлими бошлиғи Шакарбек Казаков. — У кишидан сабоқ олган ўнлаб шогирдларнинг бугун тумандаги почта алоқаси бўлимида самарали меҳнат қилаётганлиги ҳам Қ.Раҳматовга берилган баҳо.

Яхшиликни, эзгуликни, хушхабарларни кишлоқдан-кишлоққа, маҳалладан маҳаллага, оиладан оиллага, кўнгилдан кўнгилга етказиш учун ошиқаётган хабарчи унга ишонган мижозларга кишда ҳам ёздагидек сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишни ўзининг бурчи деб билади.

"Меҳнат қилган элда азиз", дейди халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Қаҳрамонимиз оддий хабарчининг ҳам меҳнатлари эл-юрт хурмати ва эътиборидан ташқари, Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида соҳанинг "Мохир алоқачи" фахрий унвонига лойиқ деб топилди.

Бу ном ва бу эътироф Қобул Раҳматовнинг ўз касбига меҳрини, ўз ҳаётидан мамнунлик туйғуларини янада ошириши, шубҳасиз.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси
Нижон телекоммуникациялар боғламаси оператори
Рустам БАРАТОВНИ 35 ёши билан муборакбод этади. Унга
узoқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида ривож тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиали
Хўжайли почта алоқаси боғламаси меҳнат жамоаси ходим
Жумабика ПАЛВАНЯЗОВАНИ 50 ёши муносабати билан
табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайди.

Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари томонидан таъсис этилган Таълим грантлари дастури ва иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури голибларини тақдирлаш маросимида Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг бир гуруҳ талабалари ҳам иштирок этишди.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР


Изланиш

Улар орасида филиалнинг ахборот технологиялари факултети 3-босқич талабалари — Акмал Азимов, Шухрат Жўраев ҳамда Динора Тимошовалар бор эди. Улар диплом ва сертификатлар билан тақдирландилар. Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ўқиш жараёнида муваффақиятларга эришган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу каби лойиҳаларда филиалнинг иқтидорли талабалари мунтазам иштирок этиб, ўз қобилиятларини намойиш этиб келмоқдалар. Шулардан бири филиалнинг 4-босқич талабаси Мақсуд Саитахматовдир. У аъло ўқинчи, иқтидори ҳамда илмий ва услубий ишларда эришган ютуқлари учун Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Мақсуд "Келажак овози-2012" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинацияси бўйича катнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. У филиалда бажарилаётган А5-041, А-5ФҚ-0-15025 рақамли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг Давлат гранти ишчи гуруҳи аъзоси ҳамда лойиҳа юзасидан ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, дастурлаш, компютерли моделлаштириш, прогнозлаш каби вазифаларни бажаришда фаоллик қилиб, давлат гранти юзасидан чоп қилинган бешта илмий мақоланинг ҳаммуаллифидир.

Мақсуд ҳозирда ўқишни давом эттириш билан бирга, вилоятдаги "Шўртан" футбол клубида дастурчи сифатида иш олиб боради. У клуб фаолиятининг электрон кўринишини яратиб, ахборот-коммуникация технологияларига техник хизмат кўрсатиб келаётир.

— Илк устозим — отам Боймурод Маҳмадиевдан ҳамда Октябр Раҳимов, Жасур Шероқлардан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди Мақсуд Саитахматов. — Шахсий иш режа асосида бугунги кунда "Фрактал объектлар



ва уларни куриш" мавзuida илмий изланишлар олиб бораётган. Илмий тадқиқотимнинг асосий мақсади фрактал объектлар ва уларни куриш технологиясини мукамал ўрганиш, ушбу технологиялар ёрдамида тартибсиз жараёнлар ва нозичқили динамик тизимлардаги сигналларни қайта ишлаш ҳамда уни амалиётга татбиқ қилишдан иборат. Илмий-тадқиқот ишлари билан бирга, ўқув-услубий адабиётлар ва уларнинг электрон талқинларини яратишда иштирок этилган.

Иқтидорли бу талаба ҳаммуаллифлигида тайёрланган "Лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш асослари" фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича услубий қўлланма Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида ўқув жараёнига жорий қилинди ва ZIYO.NET тармоғига жойлаштиришга топширилган. Унинг ҳаммуаллифлигида тайёрланган "MathCAD тизимида ишлаш асослари" номли ўқув қўлланма кўп нусхада чоп қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгашга топширилган. Айни пайтгача 20га яқин илмий мақолалар, услубий қўлланма ва ўқув қўлланмаларининг муаллифи ва ҳаммуаллифи ҳисобланган Мақсуд Саитахматов информатика, ахборот технологиялари соҳасида веб-сайт яратиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда.

Афтондиял ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ!

ПУЛНИ ПЛАСТИК ҚАРТОЧКАДАН
ЖЎНАТСАМ БЎЛАДИМИ?

— Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот тумани, М.Улуғбек кўчаси 41-уй, 1-хонадонда истикомат қиламан. Фарзандларим Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида ўқишади. Баъзан пулга муҳтож бўлиб ҳам қолишади. Уларга почта орқали пулни пластик қарточкадан жўнатсам бўладими?

Х.АМЕРОВ



— Пластик қарточкалардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-қарорига асосан, чакана савдода, коммунал хизматлар учун ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашдагина фойдаланиш мумкин.

Шу сабабли "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимидаги барча почта алоқаси объектлари томонидан аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари учун ҳақ ва коммунал хизматлардан фойдаланилганлик бўйича қабул қилинаётган барча тўловлар нақд пулда ёки нақд пулдан пластик қарточкалар орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Жисмоний шахслар томонидан жўнатиш учун тақдим қилинган пул ўтказмалари тўлов турига кирмаслиги сабабли сиз фарзандларингизга пулни пластик қарточкадан орқали жўната олмайсиз. Пул ўтказмасини жўнатишингиз учун тўланадиган почта ҳақини эса почта алоқаси объектларига ўрнатган терминалларимиз орқали пластик қарточкадан тўласангиз бўлади.

Хатира ТОЖИБОЕВА,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари

Алоқачилар футзал майдонида

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг футзал бўйича кўчма соврини учун 2012 йил мусобақалари бошланди.

Тошкент шаҳрида Сирдарё ва Тошкент вилояти вакиллари ўзаро бахшлашишди ва унда "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоаси ғолиб чиқиб, финал босқичига йўл олди. Жиззах вилояти вакиллари мусобақаларда иштирок этмадилар.

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари вакиллари иштирокида Фарбий ҳудудий-минтақавий саралаш мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасидан ТАТУнинг Нукус филиали, ОАТ "Алоқабанк"нинг Хоразм филиали, ОАТ "Алоқабанк"нинг Навоий филиали, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоалари иштирок этди.

Ўтказилган мусобақалар натижасига кўра, "Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиали ва ОАТ "Алоқабанк"нинг Навоий филиали

ли жамоалари финал босқичига йўлланмаларни қўлга киритди.

Қарши шаҳрида Сурхондарё, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сараланган жамоалар ўзаро бахшлашдилар. Мусобақаларда "Ўзбектелеком" АКнинг Қашқадарё филиали жамоаси ғолиб чиқиб, финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Андижон шаҳрида ўтган мусобақаларда водий вилоятларида сараланган жамоалар иштирокида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ва "Ўзбектелеком" АКнинг Андижон филиали жамоалари иштирокидаги бахсларда фарғоналиклар устун келдилар. Наманган вилояти вакиллари мусобақаларда катнашишмади.

Шундай қилиб, Шарқий ҳудудий-минтақавий гуруҳдан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона

филиали ва "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоалари;

Фарбий ҳудудий-минтақавий гуруҳдан "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали, ОАТ "Алоқабанк"нинг Навоий филиали, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоалари финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.



Тошкент шаҳри ҳудудида ҳам Саралаш мусобақаларига старт берилди. 17 декабр куни ТАТУ спорт залида ўтган ўйинлар:

"А" гуруҳи

Ўзбекистон почтаси — Давлат қўмитаси — 6:2
2-академик лицей — Билайн — 5:10

"В" гуруҳи

БРМ — ТАТУ — 2:7
ТТТ — ТШТТ — 3:7

"Ўтмиш турнири" мусобақалари 19 декабр куни старт олди.

"С" гуруҳи

"Ўзбектелеком" АК — Unicon.uz — 5:4
ДФХ — Алском — 5:2

"Д" гуруҳи

Семурғ — Миробод "Алоқабанк" — 6:0

ШАХМАТ

Ёш шахматчиларимиз совриндорлар сафида

Ҳиндистонда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида давом этаётган VIII Осие чемпионатининг рапид — тезкор шахмат бахсларида ўзбекистонлик ёш шахматчилар совриндорлар каторидан жой олди.

Тезкор шахматда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида олти имкониятдан беш очко жамғариб, кумуш медал билан тақдирланди.

Ўн бир ёшгача бўлган қизлар бахсида Асал Салимова 4,5 очко билан учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўн уч ёшгача бўлган қизлар ўртасида 5,5 очко жамғарган Баҳора Абдусатторова бронза медал билан кифояланди.

Ўзбек шахматчиси — бош соврин соҳиби

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича "Rose Valley-2012" халқаро турнири ўзбекистонлик гроссмейстер Марат Жумаев галабаси билан якунланди.

Швейцария усулида ўтказилган ўн бир турдан иборат мусобақада ўн олти давлатдан 100 нафар шахматчи дона сурди.

Ўн бир имкониятдан 8 очко жамғарган Марат Жумаев бош совринни қўлга киритди.

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "С" гуруҳида

Осие Футбол конфедерациясининг Куала-Лумпурдаги қароргоҳида U-14 ўсмирлар ўртасидаги Осие чемпионати саралаш бахсларига қуръа ташланди.

Қуръа натижаларига кўра, Темур Алимуҳъжаев бошчилигидаги Ўзбекистон U-14 ўсмирлар терма жамоаси саралаш бахсларининг "С" гуруҳида Тожикистон, Непал, Бутан, Малдив ороллари ҳамда Афғонистон ўсмирлари билан баҳс олиб боради.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жой олган "С" гуруҳи саралаш учрашувларига келаси йили Непал мамлақати мезбонлик қилади. Мусобақаларнинг финал босқичи эса 2014 йилда ўтказилади.

ФИФА рейтинги:

Ўзбекистон икки поғона юқорилади



Халқаро футбол федерацияси — ФИФА терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки ўрин юқорига кўтарилиб, аини вақтда 67-поғонани банд этиб турибди.

Осие китъаси терма жамоалари орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамон кучли бешликдан ўрин олиб турибди. Кучли бешликдан Япония (22), Жанубий Корея (35) ва Австралия (36) ҳамда Эрон (59) терма жамоалари ўрин олган.

Умумий рейтингда хали ҳам Испания терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.



Гиламда "Қор парчалари"

Пойтахтимизда бадний гимнастика бўйича анъанавий "Қор парчаси-2012" республика турнири якунланди.

Бу йилги мусобақада 2000-2007 йилларда тузилган қизлар ғолиблик учун куч синашишди. 90 нафарга яқин қиз иштирок этган мусобақада Нигора Раимова, Зулфия Исроилова, Татьяна Ким, Айде Гасанова, Полина Тэн каби бадний гимнастикачилар маҳорати юқори баҳоланди.



"Барселона"да вақтинча бош мураббий ўзгарди

"Барселона" клуби бош мураббий Тито Виланованинг соғлиғи ёмонлашиши муносабати билан жамоани вақтинча унинг ёрдамчиси 45 ёшли Жорди Роура бошқарадиган бўлди.

Тито Виланова ўтган йили сўлак безининг ўсимтаси ташхиси билан жароҳлик столига ётқизилган эди. Мазкур ҳафтада ўтказилган текширувларда хасталик такрорлангани аниқланган. Кеча у зудлик билан қайтадан операция қилинди. Виланова бир ҳафтача муддат касалхонада ётади. Шундан кейин у 6 ҳафтalik химиятерапия ва радиотерапия курсларини ўтиши керак бўлади. Агар ҳаммаси яхши кетса, у яна "Барселона" бошқарувида қайтади.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети қўйидаги лавозимларга танлов Эълон қилади:

Кафедра мудири:

Электр занжирлар назарияси — 1

Доцент:

Олий математика — 1

Катта ўқитувчилар:

Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1;
Чет тиллари — 1

Ассистент

(ўқитувчи)лар:

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари — 1;
Чет тиллари — 1;
Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1;

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108. Телефон: 238 64 06

Ўтавларнинг охирати обод бўлсин

"ALSKOM" ОАЖ суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Бухоро филиали менежер ассистенти

Санжар РЎЗИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради



ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

■ Кийимингизда доғ пайдо бўлган бўлса, ташвиш чекманг. Уни картошка крахмали кетказди. Бунинг учун кийимнинг доғ жойини хўллаб, кейин уни крахмал билан ишқаланг. Сўнгра совуқ сувда чайинг.



■ Эмалланган идишингиз тагига олиб, унда куйик пайдо бўлган бўлса, идишга сув ва бир оз туз солиб қайнатинг. Сувнинг қайнаши давомида идиш тагида ҳосил бўлган куйик шишади ва уни осон тозалаш мумкин бўлади.

■ Тилла суви югуртирилган шиша идишларни илқ сувда ювиб, зигир толадан тўқилган мато (лён) билан қуригунча артинг.



● Лавр япроғи қон айланишини яхшилашни биласизми? Бундай япроқлардан бир нечасини 1 литр сувга солиб, 20 дақиқа мобайнида қайнатинг. Бу дамлама билан сочларингизни тез-тез чайиб турсангиз, улар ўзгача жило таратади.

● Бўйин териси учун лимон шарбати ва тухум сариғи фойдали. Тухум сариғига бир неча томчи лимон шарбати томизиб, аралаштиринг. Сўнгра бу ниқобни бўйинингизга яхшилаб суртинг. 20 дақиқадан сўнг илқ сувда ювиб ташланг.

● Тирсакларингиз дағаллашиб қолган бўлса, бундан қутулишнинг иложи бор. Бодом ёғи суриш билан бу кўнгилсизликдан қутулиш мумкин.

● Қўлдаги ёқимсиз ҳидни йўқотиш учун (балик, саримсоқ пиёз ва шу кабилар) туз билан қўлингизни яхшилаб ишқаланг ва совун билан яхшилаб ювиб ташланг.

ИСИРИҚ

ТАВОБАТ

Доривор ўсимликлардан бири бўлган исриқ, неча асрларки, ўзининг шифобахш хислатлари билан аҳоли орасида машхур. Мутахассислар маълум қилганича, ушбу ўсимликнинг илдизида 1,7-3,3 фоиз, поясида 0,23-3,75, баргида 1,07-4,96, гулида 2,82 ва уруғида 2,38-6,60 фоизгача гармалин, гармен, пеганин, дезоксивазинцион каби 14-15 хилдаги алкалоидлар мавжуд.

Халқ табиобатида эса исриқнинг ер усти қисмидан тайёрланган дамлама, айниқса, безгак, тутқанок, томоқ оғриғи, ҳолдан тойиш ва сурункали чарчаш натижасида келиб чиқадиган асаб бузилишлари ва уйқусизликка қарши курашишда фойдаланилади. Агар ўсимликнинг сут-шираси бир тутам пахта ёки жун матога шимдирилиб, ўн кун давомида қуриштирилгач, кичима азоб бераётган жойга боғланса, кичима тузалади. Бундан ташқари, исриқ ва зигир уруғларидан тайёрланган қайнатма зикнафас касаллиғи (бронхиал астма)да наф келтирувчи омил ҳисобланса, қаламшир меваси билан тайёрланган қайнатмиси захм, бод ва бошқа касалликларни бартараф этади.



Қадимги юнон табиблари Гален ва Диоскорид асарларида ҳам исриқнинг шифобахш ўсимлик эканлиги қайд этилиб, у асал, шароб, каклик ёки товук ўти ва бодийён суви билан эзиб ишлатилса, кўзнинг кўриш қувватини ошириши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Таовбат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунари" асарида исриқ бўғин оғриқларига суртилганда ижобий самара беришини таъкидлаб ўтган. Абу Райҳон Берунийнинг "Китоб ас-Сайдана фит-тиб" асарида исриқдан тайёрланган қайнатма безгакни даволашда қони фойда эканлигини ёзиб ўтилган.

Барчамизга таниш бўлган исриқ тутуни таркибидаги моддалар хавфли хасталикларни кўзгайдиган микробларга қирон келтиради. Шу боисдан грипп эпидемияси хуруж қилган пайтларда хонадонларда исриқ тутатилади.

НАУШНИКНИНГ ЗАРАРИ

Компютер, уяли телефондан узоқ вақт фойдаланганда, унинг инсон соғлиғи учун зарарли томонлари ҳақида кўп маротаба сўз юритилди. Лекин уяли телефоннинг наушникни ҳам зарарли эканини биласизми? Наушник уяли телефондан келаётган радиацияни камайтиради. Лекин бу мосламадан нотўғри

фойдаланиш эшитиш органларига зарар етказар экан.

Одам қулоғи соғлом бўлганида 10-15 децибел товушларни пайқай олади. Аслида барглар тўқилаётганда 20 децибел, секин овоз билан сўзлашганда 20-30, соат чиққиллашида 30, суҳбат жараёнида 30-35 децибел

товуш пайдо бўлади. Уяли телефон наушниклида эса 120 децибел ҳосил бўлади.

Баланд товуш нафақат эшитиш органлари, балки асаб тизимига ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Бу асаб тоналари 30 мингтани ташкил этиб, жуда баланд товушда 25 фоизи ҳалок бўлади. Толаларнинг ярмидан кўни ҳалок бўлса, инсон қар бўлиб қолиши ҳам мумкин.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАХМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувоп НАЖИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгалигига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор شوҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кун чикади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-1252 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Азоди: 13708 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишта топширилди — 20.00. Босишта топширилиш вақти — 20.00.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-18-05</p> <p>Қаршида 931-08-99</p>		<p>2 3 4 5</p>			